



Эй одамлар, менинг намоз ўқишимни ўрганиб олинг ва сизлар ҳам мен каби намоз ўқинг, деб шундай қилдим», - дедилар

Абу Ҳозим ибн Дийнор ривоят қиладилар: “Бир неча одам минбарнинг нимадан ясалганлиги тўғрисида тортишиб қолдилар, сўнг Саҳл ибн Саъд ас-Саидий ҳузурига келиб шу ҳақида ундан сўрадилар. Саҳл ибн Саъд ас-Саидий бундай деди: «Аллоҳга қасамки, мен унинг нимадан ясалганини жуда яхши биламан. Уни олиб келиб қўйишган куннинг ўзидаёқ кўрганман, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўша куни унга биринчи марта ўтириб кўрганларини ҳам кўрганман. Минбарнинг ясалиш тарихига келсак, Расулуллоҳ фалончи аёлга одам юбордилар (Саҳл аёлнинг номини айтган эди), келгач унга: «Дурадгор ғуломингга буюрсанг, одамларга гапирганимда устига чиқиб ўтирадиган бир минбар ясаб берса», - дедилар. Аёл ғуломига буюрди. Ғулом тарфо деган дарахт ёғочидан минбар ясади. Аёл минбарни Расулуллоҳга юборди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам минбарни шу ерга қўйишни буюрдилар. Сўнг, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг минбар устида намоз ўқиганларини кўрдим. Минбар устида тақбири таҳрима айтдилар! Сўнг (минбар устида) рукуъ қилдилар, кейин (минбардан) тушиб, ерда сажда қилдилар. Кейин, яна (минбарга) қайтиб чиқдилар. Намоз ўқиб бўлганларидан сўнг одамларга қараб: «Эй одамлар, менинг намоз ўқишимни ўрганиб олинг ва сизлар ҳам мен каби намоз ўқинг, деб шундай қилдим», - дедилар».

[Саҳих] [Муттафақун алайҳ]

Баъзи кишилар саҳобалардан бирига Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг минбарлари нимадан ясалгани ҳақида сўраш учун келдилар. Улар минбар ҳақида тортишиб низо чиқаришган эдилар. Шунда у саҳобий Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам нажжор хизматчиси бор ансорлардан бўлган бир аёлга элчи юборганларини айтиб берди. У аёлга: «Одамларга хутба қилаётганимда устига чиқадиган минбар ясаб беришини хизматчингга буюр», - дедилар. У кишига жавоб бериб хизматчисини Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам учун тамариск дарахтидан минбар яшашга буюрди. Ясаб битгач Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламга юборди. Шунда Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам уни масжиддаги ўрнига қўйишга амр қилдилар. Сўнгра унинг устида У зот тақбир айтиб намоз ўқидилар ҳамда унинг устида руку қилдилар. Кейин орқага қарамасдан минбар остонасига тушиб сажда қилдилар. Намозни тугатгач одамларга бурилиб қарадилар-да: «Эй одамлар, мен бу ишни қандай намоз ўқишимни кўришингиз ва менга ўхшаб намоз ўқишни ўрганишингиз учун қилдим», - дедилар.

النجاة الخيرية
ALNAJAT CHARITY

